

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ

Тўйчиев Ш.Т. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Менежмент” кафедраси катта ўқитувчиси иқтисод фанлари номзоди. Ўзбекистон.

Сатторова Н.Т. – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Менежмент” кафедраси ассисенти. nargizal9844@icloud.com.

Ўзбекистон.

Аннотация: Мазкур мақолада корпоратив бошқарувнинг жаҳон мамлакатларидаги хусусиятлари, устун жиҳатлари, такомиллаштириш йўналишлари, корпоратив бошқарувнинг мамлакатларимиздаги ҳолати, чет эл тажрибасини қўллашнинг аҳамияти очиқ берилган. Шу билан биргаликда ушбу модел бўйича мулкдорларнинг асосий мақсади-корпорация акциялари курси қийматининг ўсиши ҳисобига даромд олиш эканлигига алоҳида урғу берилган.

Калит сўзлар: Корпоратив бошқарув, акциялар акциядорлик жамияти инвесторлар, сармоядорлар, ликвидлик, директорлар кенгаши, қузатув кенгаши, стратегик бошқарув.

Иқтисодиётнинг жадал суъратлар билан ривожланиши шароитида корхона ва ташкилотларни бошқариш жараёнлари мураккаблашиб, такомиллашиб бормоқда, бу шароитда бошқарувнинг турли соҳалари бўйича талабнинг ошиб бориши сезилмоқда.

Жаҳон мамлакатларидаги корпоратив бошқарув муносабатлари ушбу давлатдаги қонунчилик асоси, аҳолининг урф-одатлари, удумлари, инсонларнинг бир - бирига муносабатлари, табиий шарт-шароитлари ва бошқа омиллар билан белгиланган.

Шу туфайли ҳар бир мамлакатдаги корпоратив бошқарув услуги бошқа давлатдаги тубдан фарқ қилади. Дунё мамлакатларида корпоратив бошқарувининг 3 та асосий модели мавжуд.

Корпоратив бошқарувининг Англо-америка модели.

Бу моделда директорлар кенгаши томонидан амалга оширилади. Улар қўлида 24-30% акциялар жамланган бўлади. Бу акциялар ҳаракатсиз,

сотувга қўйилмайди. Узоқ вақт бошқарувчилар қўлида бўлади. Қолган 70-80 % акциялар ҳаракатчан фаол акциялар ҳисобланади. Бу акциялар вақти-вақти билан сотувга қўйилиб туради.

Корпоратив бошқарувнинг англо-америка моделининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилар ҳисобланади.

- Акциядорлик капиталининг катта қисми инглиз удумларида тарбияланган майда инвесторлар сармоясидан иборат.

- Жисмоний шахсларга қаршли бўлмаган акциялар асосан институтчионал инвесторлар қўлида жамланган.

- Қимматли қоғозлар бозори юқори самарадорлиги ва ликвидлиги билан ажралиб туради.

- Акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юқори даражада.

- Жалб қилинган директорлар иштирокидаги кучли корпоратив бошқарув.

Ушбу модел бўйича мулкдорларнинг асосий мақсади-корпорация акциялари курси қийматининг ўсиши ҳисобига даромад олиш. Шунинг учун англо-америка моделида асосий ролни фонд бирлашмалари ўйнайди. Корпоратив бошқарувнинг англо-америка усули хусусиятлари АҚШда акциядорлик мулкчилигининг хусусиятларига бевосита боғлиқдир.

Англо – америка модели Буюк Британия, АҚШ, Австралия, Янги Зеландия, Канада ва бошқа бир қанча мамлакатларда қулланилади.

Корпоратив бошқарувнинг Немис модели.

Бу модел англо-америка моделидан кескин фарқ қилади. Бу модел икки поғонали модел деб ҳам аталади. Бунда кузатув кенгаши (Директорлар кенгаши), ижроия орган тузилмасидан ташкил топган.

Бу ерда вазифалар қатъий равишда тақсимланган бўлади.

- Доимий эгалари, бошқарувчилар қўлида 70-80% акциялар жамланган бўлиб булар сотувга қўйилмайди. Қолган 20-30% акциялар чакана савдога қўйилиб сотилиб турилади.

- Акциядорлик сармоясини йирик инвесторлар ташкил қилиб, бир-бирининг акциясига ўзаро эгаллик қилиш тизими кенг ривожланган.

- Кузатув кенгашида компания ходимларининг салмоқли вакиллиги.

- Узоқни қўзлаб иш тутадиган инвесторлар бошқаруви.

- Қимматли қоғозлар бозори кичик ва ликвидлиги камроқ.

Немис моделининг англо-америка моделидан фарқи шундан иборатки, акция капиталининг катта қисми бошқа компаниялар тасарруфида туради, умумий капиталининг ярмидан кўпи бир-бирининг акцияларига эгаллик қилиш тизимини ўз ичига олади.

Корпоратив бошқарувнинг Немис модели билан Германия, Австрия, Швейцария, Нидерландия, Белгия, шунингдек Ғарбий Европа, Шимолий Европадаги бир қанча мамлакатлар шуғулланадилар.

Корпоратив бошқарувнинг Япон модели ёки тармоқ модели деб ҳам аталади, бу модел мазмунига кўра, инглиз моделига ҳам, Немис моделига ҳам ўхшамайди, лекин иккала моделнинг ҳам айрим хусусиятларини ўз ичига олади.

- Директорлар кенгаши таркибида мустақил директорлар бўлмастан, кенгашнинг барча аъзолари бошқарув органлари вакиллари бўлиб ҳисобланади.

- Акциядорлик сармоясини асосан йирик инвесторлар ташкил қилиб, ягона саноат гуруҳига аъзо бўлган компанияларнинг ўзаро акцияларига эгаллик қилиш ҳолати асосий ўринни эгаллайди.

- Шахслараро муносабатлар муҳим аҳамиятга эга.

Япон модели немис моделида бўлганидек ўзаро иш муносабатлари билан боғланган компания акцияларига қарама-қарши эгаллик қилиш бу тадбиркорлик гуруҳларини ташкил қилишда ўз ифодасини топган.

Бу гуруҳга кирган тадбиркорлар одатда ўз акцияларини унинг бошқа аъзоларига сотадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришда бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш шу куннинг асосий вазифалари деб кўрсатиб ўтган эди.

Асосий вазифа иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларни ривожлантиришини рағбатлантиришга қаратилган ислохотларни амалга оширишдан иборат.

Республикамиз бўйича кўплаб йирик АЖ нинг давлатга тегишли бўлган акциялари, хусусан, Деҳқонобод калий заводи АЖнинг 51% Кунғирот сода завод АЖнинг 51% , Тошкент шароб савдо АЖнинг 100% , Наманган шароб савдо 100%, Фарғона гўшт-сут савдо АЖнинг 25%, Асака ёғ-мой АЖнинг 25%, Бахмал силвер АЖнинг 26%, Урганч ёғ-мой АЖнинг 31% , Қуқон механика заводи АЖнинг 35%, Гулистон ёғ экстракт заводи АЖ нинг 25%, Когон ёғ экстракт заводи АЖнинг 36% давлатга тегишли бўлган акциялари хусусий инвесторларга сотувга қўйилишига қарамасдан сотилмай турибди.

Самарқанд вилоятида 2020 йил 1-январ ҳолатига жами 27 та акциядорлик жамиятлари мавжуд.

Улардаги жами акциялар сони 41,6 млн. донани ёки акциялар умумий қиймати 71,6 млрд. сўмни ташкил қилади. Жами акциядорлар сони 15634 кишини ташкил қилади.

Ҳозирги кундаги мамлакатимиз президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан корпоратив бошқарувга қўйилаётган ушбу вазифалардан бири, акциядорлик жамиятларидаги давлат улушини илҳом бориш кам айгириш, уларни мамлакатимиздаги хусусий инвесторларга ва чет эл сармоядорларига сотишни ташкил қилишдан иборат.

Бу борада Самарқанд вилоятида 6 та акциядорлик жамиятларида катта миқдорда давлат улуши мавжуд. Сино АЖда 669,5 млн сўмлик ёки 88,8 % Хорвенко номидаги Самарқанд вино комбинати АЖ 2,3 млрд. сўмлик ёки 71,2% Самарқанд мармар АЖ да 47,2 млн. сўмлик ёки 60,3% акциялар давлат улушига тегишли бўлиб турибди.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2019 йил 9 - ойлик якуни билан қилган маърузасида акциядорлик жамиятларидаги давлатга тегишли бўлган мулклар самарасиз бўлиб қолаётганлиги ҳақи равишда танқид қилинган эди.

Ҳозирги кунда Каттақўрғон ёғ-мой АЖнинг 13,6 млрд сўмлик ёки 64,9% акцияси. Самарқанд мармар АЖнинг 47,2 млн сўмлик ёки 6,9 % давлатга тегишли бўлган акцияси сотувга қўйилган.

Давлатга бўлган бу акциялар сотувга қўйилиши ҳақида эълон чиқишига қарийб 1 йил бўлишига қарамасдан ҳозиргача сотилмай турибди.

Корпоратив бошқарувнинг жаҳон мамлакатларидаги тажрибаси шуни кўрсатадики, акциядорлик жамиятларида давлат улуши мавжуд эмас. Ҳамма акциялар инвесторлар ва хусусий сармоядорлар қўлида ҳаракат қилади.

Бу акциялар доимий равишда ҳаракатда бўлиб, акциядорлик жамиятларига катта фойда келтирмоқда.

Акциядорлар ҳам катта миқдорда даромад олмақда.

Агарда мамлакатимиздаги акциядорлик жамиятларидаги давлатга тегишли булган акциялар хусусий хусусий сармоядорлар ва давлатимиз иқтисодиётига катта самара келтирилган булар эди.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1]. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргалликда барпо этамиз”. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи/ Ш.Мирзиёев. Тошкент: Ўзбекистон, 2016. -56 б.
- 2]. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил январи ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
- 3]. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тарққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови”. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маъруза.
- 4]. Mc Connell, Brue. Economics. 17 th edition. Mcgraw-hill/Irwin, USA, 2014.
- 5]. N. Gregory Mankiw. Principles of Economics, 7 th edition. Amazon, USA 2016.
- 6]. Paul A. Samuelson, William D. Nordhaus. Economics. 19 th Edition. McGraw-Hill Companies. USA. 2015.
- 7]. Ходиев Б.Ю., Беркинов Б.Б. “Корпоратив бошқарув ва рақобатни ривожлантириш” Ўқув қўлланма. -Т.: 2011 й.
- 8]. Ходиев Б.Ю., Карлибаева Р.Х., Акрамова Н.И. Ўқув қўлланма.- ТДИУ, 2010. – 280 бет.
- 9]. Шодмонов Ш.Ш., Гофуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: Iqtisod-moliya, 2010. – 728 бет.
- 10]. Зайнутдинов Ш.Н. Корпоратив бошқарув асослари. Ўқув қўлланма. - Т.: Ўзбекистон, 2008. – 260 б.
- 11]. Корпоратив бошқарув кодекси – Халқ сўзи, 2016 йил 11 март.

- 12]. Инсон тараққиёти. Дарслик И.ф.д., проф. Қ.Х. Абдурахмонов тахрири остида. – Т.: Fan va texnologiya, 2014. – 476 с.
- 13]. Статистический ежегодник регионов Узбекистана. 201. – Т.: Госкомстат Узбекистана. 2015. - 130 стр.

Интернет сайглари

- 14]. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.
- 15]. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
- 16]. www.economist.com
- 17]. www.worldeconomics.com
- 18]. www.tradingeconomics.com